

**Ҳ У К М**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН**

2024 йил ноябрь ойининг “15” куни, жиноят ишлари бўйича Риштон туман суди, шз суд биносида, очик суд мажлисида, туман судининг судьяси Н.Аюбжонов раислигида, судья ёрдамчиси Х.Бойкараевнинг котиблигида, Риштон туман прокурори катта ёрдамчиси [REDACTED] иштирокида, [REDACTED] нисбатан юритилган №1-1515-[REDACTED]-сонли жиноят ишлари кўриб чиқди.

**Судланувчи** [REDACTED] туманида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, ёлланма хунарманд, муқаддам судланмаган, [REDACTED] яшовчига нисбатан “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида талхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2024 йил 15 октябрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини эшитиб, томонларнинг музокара нутқларини, судланувчининг ҳимоя ва охирги сўзини тинглаб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқиб, қуйидагиларни

**А Н И Қ Л А Д И:**

Судланувчи [REDACTED] ғаразли ёки бошқа паст ниятларда мижозларнинг маълум бир ҳақ эвазига жинсий алоқа қилишлари учун Риштон тумани, Зоҳидон М.Ф.Й, Қўрғонча кўчасида жойлашган Сув хўжалиги бўлимининг қаровсиз биносида 2024 йил 07 сентябрь куни соат 15:30 ларда фуқаро [REDACTED] 250.000 сўм пулларни олиб, эвазига фуқаро [REDACTED] билан жинсий алоқа қилиши учун шароит яратиб бериб, қўшмачилик қилган.

Судланувчи [REDACTED] судда, айбига тўлиқ иқроп бўлиб, ҳақиқатдан ҳам 2024 йилнинг 7 сентябрь куни унга таниш бўлган [REDACTED] исмли бола жинсий алоқа қилиш учун қиз топиб еришини сўраб безор қилиб юборганлигини, у шунда уни таклифига рози бўлиб ўзимга таниш бўлган [REDACTED] смли қизни топганлигини, унга жой топиб берганига 100 000 сўм, [REDACTED] 150 000 сўм беришини айтганлигини, [REDACTED] унга розилигини айтганлигини, улар Риштон тумани Зоҳидон МФЙда жойлашган бир ташландиқ бинога боришганлигини, [REDACTED] унга 250 000 сўм пулларни бериб, ташландиқ биноини ичига кириб кетишганлигини, у пулларни сумкасига солганлигини, жойни ўзлари топганлигини, у Шохрўҳни таниши



билан машинада гаплашиб туришганида уни олдига ИИБ ходимлари келишиб тезкор тадбир ўтказилганлигини айтишганлигини, у қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, мажбур бўлганидан шу ишни қилганлигини, суддан енгиллик берилишини сўраб кўрсатув берди.

Судда сўралган гувоҳ [REDACTED], ҳақиқатдан ҳам у ёлланма иш билан шуғилланишини, уни турмуш ўртоғи Россия федерациясига кетганлигини учун қийналиб қолганлигини, 2024 йил 7 сентябрь куни у Олтиариқ туманига ёлланма ишга чиқиб, абетларда ишини тугатиб ортига қайтганлигини, у Боғдод тумани марказига келганида судланувчи [REDACTED] унга кўнғирок қилиб, уни вақти бор йўқлигини сўраганлигини, у нима иши борлигини сўраганида, таниши уларни Риштон туманига олиб кетишини, уни жинсий алоқа қилишини, эвазига 150 000 сўм пул беришини айтганлигини, у уни таклифига рози бўлганлигини, улар Риштон туманига боришганлигини, келишилган пулларни [REDACTED] олганлигини, уни ҳеч ким мажбурламаганлигини, шайтон йўлдан урганлигини, мажбур бўлгани учун шу ишни қилганини маълум қилиб кўрсатув берди.

Судланувчи [REDACTED] содир этган жинояти юқоридаги кўрсатувлардан ташқари, суд мажлисида ўқиб эшиттирилган гувоҳлар [REDACTED] дастлабки терговда берган кўрсатувлари, ариза (и.в. 4-5), пулга серия рақамларини ёзиб олиш, ксеронусхаларни олиш ва махсус иштирокчига тақдим қилиши тўғрисида баённома (и.в. 6-10), аризани текшириш, воқеа жойини кўздан кечириш ва ашёвий далил тариқасида олиш баённомаси (и.в.11-14), нарсани ашёвий далил деб эътироф этиб, жиноят ишига кўшиш қарори ва тилхат (и.в. 30-31) ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар билан ҳам тўлиқ тасдиқланади.

Суд дастлабки тергов органи томонидан судланувчи [REDACTED] ғаразли ва бошқа паст ниятларда ҳақ эвазига [REDACTED] ва [REDACTED] жинсий алоқа қилиш учун Риштон тумани, Зоҳидон М.Ф.Й, Қўрғонча кўчасида жойлашган Сув хўжалиги бўлимнинг қаровсиз биносида шароит яратиб бериб, қўшмачилик қилишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 23.06.2023 йилдаги “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 16-сонли қарорининг 5-бандида, “Конституциянинг 20-моддасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қилиши; инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг моҳияти ва мазмунини ташкил этиши лозимлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида “судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозим”лиги, Қарорининг 3-бандида “ЖКнинг 8, 54-моддалари мазмунига кўра,



жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд юқоридаги Олий суд Пленуми қарори талабларига амал қилиб, судланувчи [REDACTED] нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олиш билан бир қаторда, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида айбига тўлиқ иқрорлигини, чин кўнгилдан пушаймонлигини, аёл кишилигини, 3 нафар фарзанди борлигини инobatга олиб, паст ниятларда ушбу жиноятни содир этганини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топиб, унга нисбатан у айбланаётган модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, жиноят иши бўйича ашёвий далил сифатида эътироф этилиб, тадбир жараёни ёзиб олинган бир дона DVD дискни жиноят иши билан бирга сақлашни, 250 000 сўм пуллар Риштон туман ИИБ ТЭҚКГ тезкор вакили [REDACTED] тилхат орқали қайтарилганлигини инobatга олишни лозим деб топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига асосланиб, суд

### Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилсин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазо ИИБ органлари белгилаб берган жойларда ўтаттирилсин.

Жазони ўташ муддати ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро қилиш Боғдод туман ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

[REDACTED] нисбатан қўлланилган “мунорсиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб бекор қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил сифатида эътироф этилган;

-250.000 сўм пуллар Риштон туман ИИБ ТЭҚКГ тезкор вакили Н.Султонхўжаевга тилхат орқали қайтарилганлиги инobatга олинсин;

-тадбир жараёни ёзиб олинган бир дона DVD диск жиноят иши материали билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка ичида, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу



муддат ичида жиноят ишлари бўйича Риштон туман суди орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақлидирлар

**Раислик қилувчи:**  
**Ҳукм нусхаси аслига тўғри:**

**Н.Аюбжонов**  
**Н.Аюбжонов**

